



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 22 октябрь, № 206 (4869)

Пайшанба

## КИЧИК БИЗНЕС — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

## МИННАТДОРЧИЛИК МАКТУБИ



Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислохотлар, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасида ушбу соҳада ҳам улкан муваффақиятларга эришилаётган. Республикаимиз меҳнатга лаёқатли аҳолисининг аксарияти айнан шу тармоқда ишлаётгани, биргина жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи ичида яратилган 311,1 мингта янги иш ўрни уларнинг ҳиссасига тўғри келгани бунинг исботидир.

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида 21 октябрь кунини "Буюк Ипак йўли туризми" XV Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркаси очилди.

### ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИ БОШЛАНДИ

"Ўзбектуризм" миллий компанияси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирнинг очилишида Ўзбекистон ҳамда хорижий давлатларнинг сайёҳлик фирма ва компаниялари, меҳмонхоналар вакиллари, соҳа мутахассислари, олим ва экспертлар ҳамда юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Тадбирда "Ўзбектуризм" миллий компанияси раиси З. Ҳакимов Президент Ислам Каримов раҳнамолигида барча жаҳонлар сингаи сайёҳлик соҳаси ҳам изчил ривожланаётгани, Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган юртимизнинг ноб тарихий обидалари, бетакор маданияти ва аънавалари ҳамда гўзал табиати билан сайёҳларни тобора кўпроқ жалб қилаётгани тасдиқланди. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда сизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мўҳим омил бўлмоқда.

Дарҳақиқат, сайёҳлик барқарор ривожланишининг мўҳим омилларидан бири. У аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, кўшимча иш ўринлари ташкил этиш ва халқаро муносабатларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан сайёҳлик инфратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бермоқда. Замонавий меҳмонхоналар ҳамда дам олиш масканлари сони тобора кўпайиб, уларда сервис хизмати тўдан яхшиланаётган. Янги сайёҳлик маршрутлари ишлаб чиқилаётгани, мавжуд транспорт коммуникациялари таъмирланиб, янгилари барпо этилаётгани соҳанинг янада тараққий топишига ҳамда ўлкамизга келаётган

## ЎЗБЕК ПАХТАСИНING ДОВРУҒИ

Хабарингиз бор, шу йил 14-15 октябрь кунлари Тошкент яна дунё пахта бозорининг марказига айланди. Президентимиз раҳнамолиги ва ташаббуси асосида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси ҳамда "Сифат" маркази ҳамкорлигида ташкил этилган V Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида жаҳон пахта ва тўқимачилик саноати мутахассислари, аниқроғи, 34 мамлакатнинг 300 га яқин фирма ва компаниясидан 515 нафар вакил иштирок этди.

Шу маънода, мазкур тадбир, таъбир жоиз бўлса, кутилганидан ҳам муваффақиятли ўтди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Унда бир миллион тоннадан ортиқ пахта толасини сотиб олиш бўйича шартномалар имзолангани, битимларга эришилгани бунинг ёрқин далилидир.

Яна бир эътиборли жиҳат шундан иборатки, бу йилги ярмаркада қатнашчилар сони ҳам, эришилган шартномалар ҳақи ҳам анча ортди. Чунки Ўзбек толасининг доврўғи тобора ошиб, унга бўлган талаб ортиб бормоқда. Толамизга, айниқса, тўқимачилик саноати ривожланиб бораётган Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари корхоналари катта қизиқиш билдиришмоқда. Унинг салмоқли қисми Хитой, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Жанубий Корея, Сингапур, Вьетнам давлатларига сотилгани бунга мисол бўла олади.

Аслида, дунёда пахтачилик билан шуғулланувчи мамлакатлар бисёр. Ўзбекистон эса уларнинг орасида энг шимолги минтақада жойлашган. Шундай бўлса-да, мамлакатимиз "оқ олтин" етиштириш бўйича жаҳонда олтинчи, уни экспорт қилиш бўйича эса иккинчи ўринда туради.

Очиги, бу макомга эришиш ва уни барқарор сақлаб туриш бугунги рақобат тобора кескинлашиб бораётган шартда осон эмас. Мазкур жараёнда, табиийки, республикамизда пахтачилик тармоғини янада ривожлантириш мақсадида тизимли ислохотлар изчил амалга оширилаётганлиги, хусусан, бугунги кунда асосий майдонларда "С-6524", "Бухоро-6", "Бухоро-102", "Наманган-77", "Ан-Боб-В-2" сингари шундай хусусиятларга эга пахта ҳосили етиштирилмоқда. Уларнинг толаси саноатбўлиги эса Ўзбек пахтасининг макреи янада юксалишини таъминламоқда. Гап шундаки, толамизнинг оппоқ ранги, пишидлиги, микронейр кўрсаткичлари устуңлиги халқаро экспорт тармоғидан юқори баҳо берилган. Жаҳон тўқимачилигининг Ўзбекистонга таъинини, толамизни сотиб олишга катта умид боғлашнинг сабаби шунда. Қолаверса, аънаваный ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ана шу масалаларнинг рўёбга чиқиши йўлида жаҳон пахта бозорининг мўҳим воқеасига айланб бораётган. Буни ярмарканинг очилиш маросимида сўзга чиққан Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитасининг ижрочи директори Т. Таунсенд, "Cotton Outlook" халқаро агентлиги бош муҳаррири Р. Батлер, Хитой пахта уюшмасининг вице-президенти Ш. Жианвэй, "Cotton Bangladesh" халқаро агентлигининг бош муҳаррири К. Ахсан, "Dubai Multi Commodities Center" ижрочи директори Д. Рутлеж ва бошқалар алоҳида эътироф этишди. Қувонарлиси, улар томонидан мамлакатимиз нафақат сифатли пахта етиштирувчи, балки ҳам ашёни кафолатли равишда етказиб берувчи ишончли ҳамкор сифатида тан олинди.

Яна бир гап. Сир эмаски, ҳосил тақдири, кўп жиҳатдан, уруғликка боғлиқ. Шу боис мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқлим ва tupроқ шартига мос теглишар ҳамда серҳосил, кишлоқ ҳўжалиқ экинлари зараркуналари ва касалликларга чидамли ўнлаб янги гўза навлари яратилди. Хусусан, бугунги кунда асосий майдонларда "С-6524", "Бухоро-6", "Бухоро-102", "Наманган-77", "Ан-Боб-В-2" сингари шундай хусусиятларга эга пахта ҳосили етиштирилмоқда. Уларнинг толаси саноатбўлиги эса Ўзбек пахтасининг макреи янада юксалишини таъминламоқда. Гап шундаки, толамизнинг оппоқ ранги, пишидлиги, микронейр кўрсаткичлари устуңлиги халқаро экспорт тармоғидан юқори баҳо берилган. Жаҳон тўқимачилигининг Ўзбекистонга таъинини, толамизни сотиб олишга катта умид боғлашнинг сабаби шунда. Қолаверса, аънаваный ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ана шу масалаларнинг рўёбга чиқиши йўлида жаҳон пахта бозорининг мўҳим воқеасига айланб бораётган. Буни ярмарканинг очилиш маросимида сўзга чиққан Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитасининг ижрочи директори Т. Таунсенд, "Cotton Outlook" халқаро агентлиги бош муҳаррири Р. Батлер, Хитой пахта уюшмасининг вице-президенти Ш. Жианвэй, "Cotton Bangladesh" халқаро агентлигининг бош муҳаррири К. Ахсан, "Dubai Multi Commodities Center" ижрочи директори Д. Рутлеж ва бошқалар алоҳида эътироф этишди. Қувонарлиси, улар томонидан мамлакатимиз нафақат сифатли пахта етиштирувчи, балки ҳам ашёни кафолатли равишда етказиб берувчи ишончли ҳамкор сифатида тан олинди.

Эътироф

Ҳамкорлик

## КОНСАЛТИНГ ХИЗМАТИ ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ

Кеча Тошкент шаҳридаги "Пойтахт" бизнес марказида "Consult Expo — 2009" консалтинг хизматлари кўргазмаси очилди. У Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси кўмаги билан Халқаро бизнесни ривожлантириш агентлиги, ЕТБ Бизнес маслаҳатлар дастури (BAS Programme) ҳамда Профессинал бизнес-консультантлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Учинчи бор ўтказилаётган мазкур кўргазмада миллий консалтинг хизматлари ютуқлари кенг намоёйш қилиниши баробарида, ишбилармонлар учун бошқарув масалаларини ҳал этиш, тизимга янги технологияларни жорий қилиш, шунингдек, хориж мутахассислари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун шароитлар яратилгани унинг аҳамиятини янада ошириб юборди.

Кўргазманинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда консалтинг хизматлари бозори жадал ривожланиб бормоқда. Тадбирда иштирокчи компанияларнинг сони 100 дан ортгани бунинг исботидир. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки,

## САЙЛОВ ҲУҚУҚИНИНГ ДЕМОКРАТИК АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки кунлариданқўз олдиға инсонлар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш вазифасини кўйди ва бу вазифа Ўзбекистон Республикаси Конституциясида эълон қилинди.

Конституция Ўзбекистон — суверен демократик республика эканлигини, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принциплари асосланганини, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шайни, қадр-қиммати ва бошқа ҳақлиқ ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланаётганини мустаҳкамлаб қўйди. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Сайлов — бу фуқароларнинг давлат органиларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкидлаб айтганидек, "Демократия ва сайлов тушунчалари доимо ёнма-ён юради, улар ўзаро бирлишди кетган. Сайлов — демократия дегани. Демократия — бу сайлов дегани".

Шу сабабли сайловларсиз демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини тасаввур қилиб бўлмайди.

Сайлов — бу фуқароларнинг давлат органиларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкидлаб айтганидек, "Демократия ва сайлов тушунчалари доимо ёнма-ён юради, улар ўзаро бирлишди кетган. Сайлов — демократия дегани. Демократия — бу сайлов дегани".

Шу сабабли сайловларсиз демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини тасаввур қилиб бўлмайди.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадир. Сайлов кунини йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси бўлиши мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси депутатлари учун йигирма беш ёшга тўлганлик, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари учун эса йигирма беш ёшга тўлганлик талаб этилади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайди. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида аширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида сайловлар кўп партиявийлик асосида амалга оширилади. Чунки, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида"ги Қонуни мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси (куйи палата) бир юз элик депутатдан иборат бўлади.

Қонунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш депутати ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида сайланади.

Қонунчилик палатасининг ўн беш депутати Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мажкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан сайланади.

Сайлов ҳуқуқининг кафолатлари

ронлигини, оммавий ахборот воситалари ва кузатувчиларга ўз ҳуқуқ ва бурчларини амалга оширишда зарур имкониятларни таъминлаш, тенг ва яширин овоз бериш шароитини яратиб бериш, мухтасар айтганда, демократик норма ва андозаларга сўзсиз риоя қилишни ҳаётнинг ўзи биздан талаб этмоқда".

2002 йил 4 апрелда қабул қилинган "Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилиши-

да билдиришларини назорат қилишга йўл қўйилмайди.

Сайлов ҳуқуқига қадар ёки сайлов кунини 18 ёшга тўладиган, тегишли сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб турган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайловчиларга участка сайлов комиссиясининг биносидан сайловчилар рўйхати билан олдиндан танишиб чиқиш имконияти

ҳуқуқига эгадирлар. Бундай ҳолларда тегишли участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг талабига кўра, белгиланган шаклда бўлган, депутатлик номзодлар тўғрисида тегишли маълумотлар қайд этилган сайлов варақаларини беради.

Саломатлигининг ҳолати ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмайдиган сайловчилар участка сайлов комиссиясига тегишли илтимос билан муножот этиш ҳуқуқига эга. Комиссия овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этиши шарт.

Ўзбекистонда фуқаролар сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига мувофиқлиги таъминланган. Бунда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлари алоҳида ўрин эгаллайди. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддасига мувофиқ, халқ иродаси давлат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим; бу ирода даврий ва сохталаштирилмаган, умумий ва тенг сайлов ҳуқуқидан аширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қиймати бўлган воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозим.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган сайлов ҳуқуқининг демократик асослари эркин ва демократик сайловларнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб, фуқароларнинг ҳаёт ва давлат ишларини бошқаришда, давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишга ҳақлиқ қилади ва мамлакатнинг асосий мақсадига эришиш — демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик ҳаётини барпо этишга қаратилгандир.

**Бахтёр МИРБОЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Конституциявий суди**  
**раисининг ўринбосари.**

## САЙЛОВ ҲУҚУҚИНИНГ ДЕМОКРАТИК АСОСЛАРИ

тизимини яратиш алоҳида аҳамиятга эга. Бугунги кунда бу кафолатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, конституциявий қонунларда ва бошқа қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган. Таъкидлаш лозимки, ушбу барча кафолатлар ўзаро боғлиқ ва ягона тизимни ташкил этади.

Конституциянинг 117-моддасига мувофиқ, овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. Конституциянинг мажкур нормасини татбиқ этиш мақсадида 1994 йил 5 майда "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги алоҳида Қонун қабул қилинди. Унда Конституциянинг фуқаролар сайлов ҳуқуқлари кафолатлари ҳақидаги қоидалари ривожлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов таъкидлаганидек, "Авалло, фуқароларимиз ва сайловчиларимизнинг ўз фикри ва эътиборини, хоҳиш-иродасини билдиришлари учун эркинлик ва яна бир бор эркинлик ҳук-

нинг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий Қонун халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари асосида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолатларни таъминлаш ҳамда сиёсий ҳаётнинг, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини изчил эркинлаштиришни миллий қонунчиликни такомиллаштиришга доир ишларнинг асосига қўйилган асосий принциплар, деб эълон қилди.

Ўзбекистон Республикасида сайловчилар ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ва яширин овоз бериш ҳуқуқига эгадир. Айрим мамлакатларда (Австралия, Бельгия, Греция) сайловларда иштирок этиш мажбурийдир, яъни фуқаролар сайловда иштирок этмаганлик учун жавобгарликка тортилди. Мамлакатимизда участка сайлов комиссиялари овоз беришни мажсу ахратилган биналарда ташкил этиб, фуқароларга хоҳиш-иродаларини эркин ва яширин равишда билдириш имкониятини яратди.

Сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини билдириш ҳуқуқига эга бўлган сайловчилар олдинроқ овоз бериш

таъминланади. Сайловчи сайловчилар рўйхатида хато ва ноаниқликлар тўғрисида сайлов комиссиясига арз қилиш ҳуқуқига эга. Участка сайлов комиссияси йигирма тўрт соат ичида бундай аризна қўриб чиқиши ҳамда хатони тўзатиши ёки аризадаги унинг аризаси асосли тарзда рад этилганини тўғрисидаги маълумотнома бериши шарт.

Бутун сайлов кампанияси кенг ошқоралик асосида ўтказилади. Тегишли сайлов комиссияларининг сайлов округлари ва участкаларининг таркиби тўғрисидаги, шунингдек, депутатлик номзодларини рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов яқунлари ҳақидаги қарорлари матбуотда эълон қилинади.

Сайловчилар сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар ва айрим номзодларнинг келгуси фаолият дастури билан танишиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайлов кунини ўз тураржойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар олдинроқ овоз бериш

## ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИ БОШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Султонлиги давлат ташрифи асосида эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасида сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда. Кўп асрлик тарих, бетақдор маданият ва анъаналарга эга Ўзбекистон жаҳон сайёҳлик бозорида катта оро бўлиши мумкин. Мамлакатларимиз ўртасида мажкур йўналишдаги ҳамкорликни янада тараққий эттиришдан манфаатдоримиз.

Халқаро сайёҳлик фирмалари, миллий сайёҳлик компаниялари, меҳмонхона ва ресторанлар, музейлар ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этаётган ушбу тадбирда мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти ва тақлиф этилаётган хизматлар, мафункор табиат ва тарихий обидаларимиз акс этган экспонатлар, халқ ҳунармандлиги буюмлари, фотоэкспозициялар намойиш этилмоқда. Анжуманга ташриф буюрганлар экотуризм ва спорт туризми, авиатransпорт, меҳмонхона, сугурта ва банк хизматлари, миллий ва ҳудудий сайёҳлик ташкилотлари, сайёҳлик операторлари ва агентлари фаолиятига оид қўллаб-қувватлаш ва адабиётлар билан танишишлари мумкин.

## КОНСАЛТИНГ ХИЗМАТИ ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

юртимизда консалтинг хизматларининг деярли барча йўналишлари камраб олинган. Буни кўргазма залларини айланган киши яққол ҳис этади. Негаки, бу ерда стратегик ва инвестициявий, маркетинг ҳамда реклама тадқиқотлари, лойиҳалаштириш ва инжиниринг, электр энергиясини теҳнаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш технологияларини жорий этиш, сифатни бошқариш тизими, автоматлаштириш, кишлоқ ҳўжалиги каби соҳаларнинг консалтинг бўлимлари ишлаб турибди.

— Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан мутахассис-консультантлар ўзаро алоқа ўрнатилиши учун кўлай муҳит яратилган, — дейди кўргазманинг фахрий меҳмони, Бошқарув консалтинг институтларининг Халқаро кенгаши (ICMCI) раиси Анита Мадик хоним. — Натижада иқтисодий тармоқларига бошқарувнинг самарали усуллари татбиқ этилиб, ишлаб чиқаришда илгор технологиялар жорий қилинапти. Бу, ўз навбатида, миллий иқтисодиётда барқарор ривожланишни таъминламоқда.

Кўргазма доирасида соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш мақсадида ўтказиладиган "мастер-класс" ҳамда долзарб мавзулардаги тренинглар унга бўлган қизиқини орттиряпти. Нега деганда, ушбу тадбирларда соҳадан еткази мутахассислари, чет элик меҳмонлар ўз тажрибалари билан ўртоқлашмоқдалар.

— Кўргазмада кишлоқ ва сув ҳўжалиги, атроф-муҳит муҳофазасига доир хизматларимиз билан иштирок этаямиз, — дейди Тошкентдаги "НВТ" консалтинг компанияси бош директори Азим Назаров. — Тақлиф этилаётган хизматлар бошқарушни такомиллаштириш, моддий ресурсларни теҳнаш орқали юқори самара олишга қаратилгани, айниқса, фермерларда катта қизиқувчигидир. Масалан, томчиллиги сугорилиш технологиясини жорий этиш бўйича Тошкент ва Сурхондарё вилоятларидан келган қўллаб-қувватлаш шартномалар имзолашга эришдик.

Кўргазма бугун ҳам фаолият кўрсатади.

**Р. САИДОВ.**



## КИЧИК БИЗНЕС – ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "SSP Exportcontact" компанияси ҳамда Ўзбекистон — Хитой Савдо уйи ҳамкорлигида ташкил этилган бу кўргазмага Россия, Хитой, Ҳиндистон сингари давлатларнинг 40 дан ортиқ компания ва фирмаларидан вакиллар ташриф буюришди.

Кўргазмани ўтказишдан мақсад, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун ускуналарни, хизматларни на-

мойиш этиш, уларга техника ёки технология ташлаш имконини бериш, ишлаб чиқарувчи билан харидор ўртасида бевосита алоқа ўрнатилган шарт-шароитлар яратишдир.

Уч кун давом этадиган тадбирда ташриф буюрувчилар турли ишлаб чиқариш, саклаш ва информацион технологиялар, матбаа ускуналари билан яқиндан танишиш баробарида, уни харид қилиш бўйича келишув ҳамда шартномалар тузиш имкониятига ҳам эга бўладилар.

— Корхонамиз ёғ-мой, сув

ва озиқ-овқат маҳсулотлари учун идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган, — дейди "Uzrolpet" Ўзбекистон — Польша қўшма корхонаси мутахассиси Анвар Валиев. — Ҳозирги кунда маҳсулотимизнинг асосий қисмини республикамиздаги минерал сув ва ёғ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қўллаб қорхоналарга етказиб бераёلمиз.

Кўргазма давомида эса ҳамкорларимиз сафини янада кенгайтириш ниятдаимиз. Кўргазма доирасида, шунингдек, "Ўзғалик фестивали" ҳам ташкил этилиб, унда

турли намойишлар билан бирга, замонавий косметика намуналарини ҳам тақдим қилинади.

Бундан ташқари, тижорат банклари, кичик бизнес учун хизмат кўрсатувчи лизинг компаниялари мутахассислари томонидан кредит ва лизинг олиш тўғрисида муҳаббатлар уюштирилиши мўлжалланмоқда.

**Дилшод УЛУМУРОВОВ,**  
**"Халқ сўзи" мухбири.**  
**СУРАТЛАРДА:** Кўргазма фаолиятдан лавҳалар.  
**Ҳасан ПАЙДОВ**  
**олган суратлар.**

## ПОЙТАХТ БИЛАН ТАНИШУВ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси билан ҳамкорликда республиканинг чека кишлоқларида истиқомат қилувчи 200 нафардан зиёд ёшларнинг Тошкент

шаҳрига саёҳатини уюштирди. Улар бир ҳафта давомида Мустақиллик йилларида пойтахтимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишдилар, олий ўқув юрталари, маъмурий биналар, муқаддас қадимжолар, истироҳат боғлари ва ма-

дания-маърифий иншоотларни томоша қилдилар. Айниқса, "Мустақиллик майдони", "Шаҳидлар хотираси" хиёбонларига уюштирилган саёҳатлар ёшларда катта таассурот қолдирди.

**М. БАЁНОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарҳақиқат, буларнинг бари республикамизда толани экспорт қилиш жараёнининг узвий қисмлари ҳисобланган пахта терминалла-

раётгани ҳамкорлар томонидан юқори баҳолангани, айниқса, қувончлидир. — Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, юртимизда иқтисодийнинг барча тармоқлари барқарор ривожланиётганидан ишби-

ҳайратимиз янада орди. Давлатимизда тармоқ ривожига оқилона ёндашув таъминлаш тўғрисида у тўбора равақ топётганига амин бўлдик. Бир сўз билан айтганда, чет элик ҳамкорлар V Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси юқори савия-

атбоб янги навлар яратиш, хом ашёни қайта ишлашни такомиллаштириш, тўқимачилик тармоғида табиёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва жаҳон пахта бозоридидаги нарх-наволар ҳақида илмий-амалий фикрлар ўртага таш-

## ЎЗБЕК ПАХТАСИНИНГ ДОВРУҒИ

ри, транспорт инфратузилмаси ва логистика тизими яхши йўлга қўйилгани яна бир қарра тасдиқлайди. Жумладан, ҳозирда жойларда умумий ҳажми 410 миң тонна толлани саклаш имкониятига эга, замонавий техникалар билан таъминланган салкам 30 та терминал, олтига бўш омор фаолият кўрсатмоқда. Улар билан ташқи савдо компаниялари билан тузилган шартномалар асосида маҳаллий ва чет элик халқдорларга ўз вақтида етказиб бе-

лармонларимиз бохабар, — дейди Жанубий корейлик мутахассис Ли Кю Чанг. — Шу боис бу йилги ярмаркага енгил ва тўқимачилик, пахта қайта ишлаш саноятлари вакиллари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ниятида келдик. Чунки ўзбек толаси пишиқлиги жиҳатидан жаҳон саноятчиларининг ишончли оқламоқда. Ярмарка асосида эса пахта етиштириш, уни қайта ишлаш ва етказиб бериш бўйича яратилган шарт-шароитларни кўриб,

да ташкил этилганидан мамнунигини изҳор этишди. Чиндан ҳам, ярмарка иштирокчилари фақат биржа савдоларида иштирок этиш билан чекланиб қолмасдан, балки давра суҳбатларида қатнашдилар, пахтачилик тармоғи ва уни қайта ишлаш жараёни билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар. Шу жараёнда нафақат пахта олди-сотдиси бўйича масалалар муҳокама қилинган, балки пахтачиликни ривожлантириш, тейлашни ва сано-

лангани барчага манзур бўлди. Шулардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, тадбир доирасида ўтказил-

Буларнинг бари, ўз навбатида, жаҳон пахта бозорининг асосий иштирокчисига айланган Ўзбекистон тала бозори механизмининг янада ривожланишига хизмат қилди. Яъни, ўзбек пахтаси ва толасининг доврўғи бундан кейин ҳам олам оша кен ёйилаверади. Шунинг ўзбек юртимизнинг мустаҳкам ва барқарор иқтисодиёти дунё иқтисодиёти билан интеграциялашганидан далолат эмасми?

**Икром ЎБСОҚОВ,**  
**Санд РАҲМОНОВ,**  
**"Халқ сўзи" мухбирлари.**

## ФАОЛЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ

**Ёрдамга муҳтож кишилар, бева-бечоралар, етим-есирлар ва беморларга меҳр-муруват кўрсатиш халқимизнинг азалий анъаналаридан ҳисобланади. Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг Ойла, аёллар ва ёшлар масалалари бўйича доимий комиссияси аъзолари ҳам ўз фаолиятларида меҳр-муруват, саховат, фуқароларнинг моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқдалар.**

Айтиш жоизки, комиссия вилоятдаги бир қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда мунтазам иш олиб бормоқда. Масалан, Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар

ридир. Шу мақсадда никоҳ тўйлари ва оилавий тантаналарни ўтказишда хомийлик ишлари ташкил қилинмоқда. Жорий йилда кам таъминланган 17 та оиланинг тўйлари ўтказилди ҳамда уларнинг муҳаббатлари яхшилаш мақсадида хомийларнинг 3,5 миллион сўм маблағи йўналтирилди.

### Доимий комиссияларда

тўғрисида"ги қарориди белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш, аёллар ва болалар соғлигини яхшилаш, соғлом турмуш тарзини тарқатиш тўғрисидаги масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, оила-ларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва руҳий ёрдамга муҳтож оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоят хотин-қизлар кўмитаси қошида "Меҳр бўлоғи" ижтимоий психологик ёрдам маркази ташкил этилди. Бугунги кунда марказда ишонч телефонлари ўрнатилган бўлиб, ҳуқуқшунос, руҳшунос ва бошқа мутахассислар хотин-қизлар билан яқиндан иш олиб бормоқдалар.

Бундан ташқари, вилоят "Маҳалла" жамғармаси ва хомийлар билан ҳамкорликда кам таъминланган 107 та оиланинг ҳар бирига биттадан бепул қорамол олиб берилганини эътиборга лойиқ. Богот туманидаги кам таъминланган 215 та оила хомийлар ва жамғармалар томонидан доимий оталиққа олиниб, уларнинг маблағи ҳисобидан 55 та оилага бир бошдан қорамол бепул берилди. Мажкур туманда истиқомат қилаётган уруш қатнашчилари, яққа-ёлғиз кексалар, ногиронлар, 100 ёшдан ошган фуқароларга эса 3 миллион сўмга яқин хайрия ёрдамлари кўрсатилди. Ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш асосий вазифаларимиздан би-

Бугунги кунда "Муруват" уйлари-нинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида ҳам бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Хива тумани Гандимийён қишлоғидаги "Муруват" уйига вилоят "Маҳалла" жамғармаси ҳисобидан 30 миллион сўм, хомийлар маблағи ҳисобидан 10 миллион сўм ажратилгани фикримиз далилидир. Қолаверса, "Қишлоқ тарқиқоти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида ҳам мунтазам ижтимоий химоя тадбирлари амалга ошириляпти. Мисол учун, яқинда иқтидорли ногирон болалар ўртасида "Мафтункор ранглар жилоси" иқидий-бадий кўрик-танловни ўтказилди. Вилоятимиз вакиллари тадбирнинг республика босқичида ҳам фаол иштирок этиб қайтишди.

Мунтазам қилиб айтганда, аҳолини ижтимоий химоялаш борасида кўзда тутилган вазифаларни баҳарши маълум муддат билан чегараланмайди. Ушбу соҳадаги ишлар юртимизда изчил давом эттириляверади. Шу жумладан, вилоятимизда ҳам аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошириляётган ишлар қўлами тобора кенгайверади.

**Барчиной МАШАРИПОВА,**  
**халқ депутатлари Хоразм**  
**вилояти Кенгашининг Ойла,**  
**аёллар ва ёшлар**  
**масалалари бўйича доимий**  
**комиссияси раиси.**

## ҚИШЛОҚЛАР ЯНАДА КЎРКАМЛАШАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Азизхон Саидов,** «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси Тошкент вилояти филиали директори:

— Жорий йилда вилоятимизнинг учта туманида 60 та намунавий яққа тартибдаги уй қурилиш режалаштирилган. Кейинги йилдан эса 600 дан ортиқ ана шундай тураржой фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда. Айни пайтда жойларда маркетинг ҳамда аҳоли талабини ўрганиш ишлари олиб боришмоқда.

**Улўғи Омонова, Оҳангарон туманидаги «Қоракитой» кишлоқ фуқаролар йиғини вакили:**

— Намойиш этилган лойиҳаларда кишлоқ аҳолиси учун барча қўлайликлар инобатга олинган. Хонадонларда чорва моллари ва парранда парварилаш учун ҳам зарур шароит яратилгани аини мўлдоо. Чунки кишлоқ аҳолиси учун чорвачилик ва паррандачилик билан шуғулланиш қўшимча даромад манбаи ҳисобланади.


**Баҳри Шоқирова, Ангрэн шаҳридаги «Облиғ»**

маҳалла фуқаролар йиғини вакили:

— Бугун қишлоқларимизда янги уй-жойлар, ижтимоий-маданий, тиббий ва маънавий хизмат кўрсатиш иншоотлари пухта ишлаб чиқилган бош режа, замонавий меъморчилик лойиҳалари асосида қуриляётгани қувончлидир. Юртбошимиз раҳнамолигида қишлоқларимизда ҳам шаҳардан кам бўлмаган шарт-шароитлар яратилаётганига бугун барчамиз гувоҳимиз. Замонавий услубда, сифатли қурилиш материалларидан барпо этилган файзли ва обод уйлар қишлоқларимиз чиройига чирой қўшаптир.

Кўргазма доирасида шаҳар ва туманлардан келган вакиллар иштирок этаган семинарда намунавий лойиҳа асосида уй-жой қуриш учун имтиёзли шартларда кредит ажратиш, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси иштирокчида уй-жой қурилиши амалга ошириш тартиби, янги қурилиш материалларини қўллаш билан боғлиқ масалалар атрофича муҳокама қилинди.

**Л. СУВОНОВ,**



Бизга алоҳида ғурур ва ифтихор бағишлайдиган жиҳат шундаки, мамлакатимизда хориждагидан фарқли ўлароқ, иқтисодиётнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки юқори ўсиш суръатларини изчил таъминлашга ҳам эришилмоқда. Дунёнинг кўзга кўринган сисъатчи ва экспертлари томонидан алоҳида эътироф этилаётганидек, бундай ижобий натижалар давлатимиз раҳбари томонидан мустақилликнинг дастлабки йилларида ишлаб чиқилган беш тамойилга асосланган ижтимоий йўналирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг "Ўзбек модели"ни амалга оширишнинг ҳаётий ифодасидир. Гап шундаки, юртимизда миллий иқтисодиётни янада эркинлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали замонавий, диверсификацияланган ҳамда рақобатбардошли иқтисодиётни шакллантириш, янги иш ўринларини кўпайтиришга қатъий эътибор қаратилмоқда. Бу ислохотлар амалда бўй кўрсатиб, нафақат шаҳарларда, балки олис туман ва қишлоқларда ҳам бир қатор янги ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Масалан, чорвачилик ва паррандачилик билан жиддий шуғулланишга киришган, маҳсулотларни қайта ишлаб, бозорга чиқараётган тадбиркорлик субъектлари сонининг тобора ортиб бораётгани ҳам шундан.

Мамлакатимизда инфляция жараёнларини жиловлашга муваффақ бўлинганлиги ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялашда, турмуш фаровонлигини оширишда бош омил бўлмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида тижорат банклари зиммасига ҳам бир қатор муҳим вазифалар юклатилган. Ушбу масъулиятни чуқур ҳис этган Халқ банки жамоаси ҳам банк нуфузини янада ошириш, Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қўйилган талабларга қатъий амал қилган ҳолда банкнинг капиталлашувини янада кўпайтириш, унинг инвестицион фаолиятини юксалтириш, иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш жараёнларини молиявий қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес субъектлари бизнес лойиҳаларини молиялаштириш, аҳоли ҳамда юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини банк айланишига жалб этиш орқали тақлиф этилаётган хизматлар қўламини кенгайтиришга қатъий эътибор қаратмоқда. Бу борадаги сайёҳаракатларнинг амалдаги натижалари жорий йилнинг 9 ойи якунларида яққол кўзга ташланади.

Жумладан, амалга оширилган ишлар туфайли банкнинг жами капитали йил бошидагига нисбатан 20,9 миллиард сўмга ёки 118 фоизга ортиб, жами 136,8 миллиард сўмга етказилди. Албатта, бу банкнинг молиявий иқтидорини янада кенгайтиришга, унинг нафақат мижозлар ўртасидаги, балки

Маълумки, айна пайтда жаҳон иқтисодиётида юз бераётган мураккаб жараён — инкироздан чиқишга интилиш, ўзига хос маркетинг таклифлари ва молиявий тизимдаги муаммолар тахлили иқтисодчио экспертларнинг диққат марказида турибди. Оммавий ахборот воситаларини доимо кузатиб бораётган киши яхши биладики, молиявий-иқтисодий танглик дунёнинг қўллаб-қувватлари иқтисодиётига оғир зарба берди. Бундай шароитда инкирозни бир қадар четлаб ўтишга эришаётган компания ва корпорациялар сони эса жуда кам. Аксарият жойларда каттаю кичик корхоналарнинг таназзулга юз тутиши оқибатида минглаб иш ўринлари қисқариб кетди ва аҳолининг ижтимоий аҳволи ёмонлашди.

сифатию қўламини тарозига солиб кўриши мумкин. Шу боис Халқ банки жамоаси, унинг ҳар бир филиали ва бўлимида фаолият юритаётган киши борки, мижозлар манфаатини кўзлаган ҳолда иш юритмоқда. Жумладан, қисқа фурсат ичида ишлаб чиқариш корхоналарига технологик ускуналар сотиб олиш учун 7,5 миллиард сўм, хом ашё ва турли материаллар харид

тайёрлаш, балки уни қайта ишлаш билан ҳам шуғулланмоқдалар. Шунингдек, қишлоқларимизнинг обод бўлишига ўз хиссаларини қўшмоқдалар.

Банк раҳбарияти давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштиратган фермерларни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратаётган. Утган давр ичида жамғарма орқали ер эгаларига пахта ҳосили етиштиришга 105

### ОМОНАТ — ФОЙДА ДЕМАК

Хисобот даврида инвестиция ва кредит ресурслари манбаларини кенгайтириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини банк жамғармасига жалб этиш масаласи ҳам банкнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Нати-



хизматларни кўрсатиш туфайли аҳолидан биргина коммунал тўловлар бўйича 33,7 миллиард сўм қабул қилинди. Маҳалла фаоллари,

ли банк ресурс базаси йил бошидагига нисбатан 297,9 миллиард сўмга ортиб, 740,5 миллиард сўмни ташкил этди. Банк ресурс базасининг асосий манбаи бўлган аҳоли депозитлари йил бошидагига нисбатан 135,2 миллиард сўмга кўпайиб, ҳозирда 406,3 миллиард сўмга етди.

Халқ банки томонидан амалга оширилган мақсадли ишлар халқро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, жамоанинг меҳнати нуфузли "Standart and Poors" халқро рейтинг компанияси томонидан тахлил қилиниб, ўрганилгандан сўнг шу йилнинг 6 августидан Халқ банкига узоқ ва қисқа муддатли "Барқарор" кредит ва депозит рейтинглари берилди. Бу баҳо банк жамоасини янада изланишга, ташаббускорлик билан ишлашга ундамоқда.

Ўқиб, ўрганиш, янгиликлар ва янги дастурларни иш жараёнига тезкорлик билан жорий этиш изчил давом эттирилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида 47 нафар ходим Минтақавий банк ўқув марказида, 548 нафар мутахассис Халқ банки ўқув марказида, 130 дан ортиқ ходим тизимда ўтказилган семинар ва ўқувларда малака оширишди. Буларнинг бариси ҳеч шубҳа йўқки, банкнинг келгусидаги ютуқларига пулга таъмин яратди.

Ҳар доим "Ютуқлар ўзимизники, камчиликларни бартараф этайлик" деган иборани шир қилиб олган банк жамоасининг кўни кеча 9 ойлик фаолияти якунларига бағишланган йиғилишида молия муассасасининг барча вилоят ва туман филиалларининг раҳбарлари ҳамда мутасадди ходимлари иштирок этишди. Унда йил бошидан бўён ўтган давр мобайнида банк томонидан амалга оширилган ишлар атрофида тахлил қилинди. Камчиликларни бартараф этишга қаратилган истиқболли тақлифлар ўртага ташланиб, аниқ режа ва чоралар ишлаб чиқилди, муҳокама этилган масалалар юзасидан банк бошқарувининг тегишли қарори қабул қилинди. Шунингдек, келгусида банкнинг инвестицион фаолиятини янада ошириш, техник ва технологик янгилаш, модернизация қилиш орқали ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни рағбатлантириш, банкнинг тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини янада мустақамлашган ҳолда, янги иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор қаратиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди. Бундан ташқари, банкнинг иқтисодиётнинг реал секторидagi фаолиятини юксалтириш, аҳолининг банкка бўлган ишончини ошириш, нуфузини юксалтириш бўйича қилиниши лозим бўлган вазифалар хусусида келишиб олинди.

Йиғилишида алоҳида таъкидланганидек, банк жамоасининг мақсади битта: у ҳам бўлса, ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида уни бартараф этишга, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришга ва шу орқали аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшишдир. Зеро, изланиш ва ташаббускорлик бор жойда ютуқлар кўлга киритилаверади.

Халқ банки матбуот хизмати.

### Халқ банки:

# ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

сўмга ёки 167,9 фоизга кўпайиб, 887,9 миллиард сўмни ташкил этди. Шунингдек, утган давр ичида банк муассасалари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори, кичик бизнес субъектлари ва истеъмол бозорини кредитлашга ҳам қатъий эътибор қаратилди. Кредит лойиҳаларининг қисқа муддатларда атрофида ўрганиб чиқиши, маблағларнинг тез фойда келтирадиган ва қўшимча иш ўринлари яратиш имконини берадиган соҳаларга йўналтирилиши тез орада ўзининг ижобий самараларини кўрсатди. Натижада Халқ банкнинг кредит портфели йил бошидагига нисбатан

қилиш учун 12,3 миллиард сўм, иссиқхоналар қуриш учун 2,4 миллиард сўмдан ортиқ маблағлар ажратилди. Пул муомаласини тартибга солиш, банк кассаларига жалб этилаётган нақд пул маблағлари ҳажминини оширишга қўлай шароит яратиш мақсадида савдо мажмуалари ва бозорлар қуришга ҳам қатъий эътибор берилди. Хусусан, шу мақсадларда Андижон вилоятида 530 миллион сўм, Фарғонада 220 миллион, Наманганда 50 миллион, Бухорода 100 миллион, Хоразмда 430 миллион ва Қорақалпоғистон Республикасида 180 миллион сўм ажратилди. Банк томонидан иқтисодиётнинг реал

миллиард сўм, галла етиштиришга эса 32,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар берилди. Шу билан бирга, мижозлар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 168 та қишлоқ хўжалик техникасини лизинг шартномалари асосида олишга эришдилар.

Эътироф этиш жоиз, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг истиқболли ва стратегик аҳамиятта эга бўлган тармоқларига инвестицияларни жалб этиш долзарб масалалардан бири саналади. Банк жамоаси мазкур масалага ҳам алоҳида эътибор бериб, қўллаб-қувватлаш лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаб келмоқда. Шу мақсадда жорий йил бошидан бўён 137,8 миллиард сўм маблағ сарфланди. Мисол учун, яқинда Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатининг "Хандиза кони полиметалл рудаларини қайта ишлаш" инвестицион лойиҳасини амалга ошириш учун, АТ "Ипотекабанк" билан келишувга кўра, 2009-2010 йиллар давомида банк томонидан ҳамкорликда молиялаштириш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастурига мувофиқ, бир неча лойиҳаларнинг молиялаштирилишида ҳам Халқ банки мижозларга яқиндан кўмакчи бўлмоқда.

Ўз номига муносиб халққа хизмат қилиб, уларнинг ишончини қозониб бораётган банк республикамиз иқтисодиётини ривожлантириш, юрдошларимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга бел боғлаган компания, корхона ёки тадбиркорга ҳеч иккиланмай молиявий ёрдам кўрсатишга интиломоқда. Биргина "Ўзбекистон темир йўллари" компаниясининг капитал қурилишига 3 миллиард сўм, Наманган вилоятининг Наманган шаҳрида йўловчи ташвиш сифатини яхшилаш мақсадида автолизинг компаниясига 1,95 миллиард сўм маблағ ажратилганлиги бунинг тасдиғидир.



213,3 миллиард сўмга ортиб, жами 455,9 миллиард сўмни ташкил этди. Кредит сифатида ажратилаётган маблағларнинг асосий қисми инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг истеъмол маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга йўналтирилди. Президентимизнинг шу йил 26 январдаги "Қишлоқ тарақиётини ва фаровонлигини йил" Давлат дастури тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида банк томонидан ишбилармон мижозларга 26,3 миллиард сўмдан ортиқ миқдорда кредитлар ажратилди. Бунинг эвазига қишлоқ жойларда 15 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди.

### РАҚОБАТ ИЗЛАНИШГА УНДАЙДИ

Маълумки, мижоз, у хоҳ фермер бўлсин, хоҳ ишбилармон, банк танлашда эркиндир. У ўзига мақбул ҳамкор қидиради, маблағининг ишончилигини кафолатловчи банкда сақлашни истайди. Айна пайтда янги тадбиркор тажрибали кишилардан "Қайси банкка борсам экан, нима дейсиз?" деб сўраши ёки ҳар бир молия муассасасининг имкониятларини, мижозларга кўрсатаётган хизматининг

жада банк ресурс базаси йил бошидагига нисбатан 297,9 миллиард сўмга ортиб, жами 740,5 миллиард сўмдан ошди. Айна кунда мазкур молия муассасаси томонидан юрдошларимизга 39 та омонат тури тақлиф этилмоқда. Бу омонатларнинг 33 таси миллий валютада, 6 таси хорижий валютададир. Улар аҳоли учун ҳар томонлама қўлай бўлганлиги боис кўпчилигини эътиборини тортмоқда. Таъкидлаш кераки, мазкур омонатларнинг 21 таси жорий йилда таътиб этилган бўлиб, шуларнинг ўзига аҳолининг 106,0 миллиард сўм бўш пул маблағлари жалб қилинди.



Албатта, бу ишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Аввало, бунга давлатимиз томонидан бир қатор имкониятлар яратиб берилган. Қолаверса, банкнинг тажрибали ходимлари бу борада аҳоли эҳтиёжлари ва қизиқишларини доимий равишда ўрганиб боришмоқда. Шунга асосан, янги ва истиқболли омонат турлари жорий қилинган, мажбур омонатларнинг шартлари мижозлар учун мақбул ва манфаатли шартлари билан алмаштирилмоқда. Мижознинг биринчи талаби билан омонатга қўйилган маблағнинг эгасига вақтида қайтарилиши барча ҳудудлар филиалларида йўлга қўйилганлиги ҳам ҳамюртларимизнинг банкка бўлган ишончини янада оширган. Республикамизнинг қайси ҳудудида, қайси чекка туман ва қишлоғига борманг, Халқ банкнинг хизмати ўша ерда йўлга қўйилган. Чунки банк томонидан банк хизматларини сифатли ва тезкорлик билан амалга оширишда турли рўсумдаги махсус жиҳозланган 20 га яқин сайёр банклари, 200 та кўмакасси мижозларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Буларнинг ишлаб туриши, айниқса, қишлоқ аҳолиси учун жуда қўл келмоқда. Чунки уларнинг қишлоқдан узоқда жойлашган банкларга боришига ҳолат қўлайди, банк билан боғлиқ қандай хизматлар бўлса, ана шу сайёр банклар орқали амалга оширилмоқда. Мазкур



ҳокимликлар билан келишилган ҳолда, 450 га яқин банк муассасаларининг иш вақти соат 23,00 га қадар узайтирилганлиги нафақат оддий фуқаролар учун, балки иш билан бўлган аҳоли учун ҳам ишдан кейин банк билан боғлиқ масалаларини ҳал этишлариغا имкон бермоқда.

Бўш маблағларни банкка жалб этиш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан биридир. Чунки аҳоли иштирокидаги маблағлар банк омонатларига қанчалик кўп жалб этилса, иқтисодиётнинг реал сектори ва истеъмол бозорини кредитлаш имкониятлари ҳам шунчалик артади. Шу боис банкда ютуқ-

ли омонатларни кўпайтиришга жиддий киришилди. Жумладан, утган давр ичида 8 миллиард сўмлик ютуқли омонат сертификатлари муомалага чиқарилиб, уларнинг тенг ярми жойлаштирилди.

Аҳоли ва мижозларнинг пластик карточкаларга бўлган муносабати ҳам тубдан ўзгарди. Утган тўққиз ой ичида 120 минг 121 та пластик карточка эмиссия қилиниб, уларнинг жами сони 280 минг 48 тага етказилди. Пластик карточкаларга эгалик қилувчи 95 минг 653 нафар банк мижози иш ҳақи лойиҳаси бўйича банк хизматларидан фойдаланмоқда. Жойларда 11 та "Инфокиоск" ва 4 та банкомат ўрнатилгани, 3265 та терминалнинг ишлаб тургани ҳам нақд пулининг банкдан ташқари айланадиган қисқартиришга хизмат қилаяпти. Банк ходимларининг бу сайёҳаракатлари, албатта, ўз самарасини берапти. Рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, утган тўққиз ой ичида банк кассаларига 1499,2 миллиард сўм кириб қилинди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 408,8 миллиард сўмга ёки 37 фоизга кўпдир.

Бундан ташқари, мутахассислар малакасини узлуксиз ошириб бориш, энг сўнги банк янгиликлари ва иш юритиш тамойилларини ўрганиш, мақбулларини банк ва унинг филиалларида жорий этиш ютуқлар гарови бўлмоқда. Амалга оширилган самарали тадбирлар туфай-

Ўзбекистон Бадий академияси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган ушбу санъат байрами якунига бағишланган тантанали тадбир пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтди.



# ЁРҚИН ТААССУРОТЛАРГА БОЙ САЊЪАТ БАЙРАМИ

V Тошкент Халқаро замонавий санъат биеналеси ниҳоясига етди.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси Т. Қўзиёв Президентимиз Ислам Каримов томонидан барча соҳалар каби маданий-маърифий жабҳаларда изчиллик билан олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар миллий санъатимизнинг янада раванг топишида, халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавий дунёсининг янада бойиши ва юксалишида, юртимиздаги бадий жараёнларнинг жаҳон санъатига интеграциялашувида ва халқаро миқёсда эътироф этилишида муҳим оммил бўлаётганини таъкидлади.

«Art Week Style.uz — 2009» санъат ҳафталиги доирасида ўтказилган ҳамда жаҳоннинг ўттизга яқин давлатидан юздан орттиқ ижодкор иштирок этган бу йилги биенале «Шаҳар фалсафаси: антропологик ландшафт» мавзусида ўтгани шарафлардаги маънавий муҳит, одамлар ҳаёти, маънавий мезон ва қадриятларини тасвирий санъат воситасида ифода қилиш имконини беради. Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар зали, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси, Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси зали, Тошкент Фотосуратлари уйи, Халқаро маданият қаровонсаройи, «Осиё», «Ренессанс» каби галереяларда ўтказилган бадий кўргазмалар ҳам ушбу мавзунини қамраб олди.

Санъат байрами доирасида «Замонавий санъат — танлаш стратегияси» мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда бугунги замонавий санъат ривожига асосий тамойил ва йўналишлар санъатшунослар, бадий танқидчилар, олимлар, ижодкорлар томонидан атрофича муҳокама этилди. Биенале доирасида пойтахтимиз ва Самарқанд шаҳрида қизиқари учрашувлар, маънавий-маърифий дастурлар, концертлар, маҳорат сабоқлари бўлиб ўтди.

## ОБ-ҲАВО (22 октябрь)

Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 3-8, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик кутимайди. Харорат тунда 5-10, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутимайди. Кечаси 5-10, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади. Тошкент вилояти. Ёгингарчилик бўлмайди. Харорат тунда 5-10, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутимайди. Кечаси 5-10, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади. Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёгингарчилик кутимайди. Тунда 5-10, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади. Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Харорат тунда 6-8, кундузи 22-24 даража иссиқ бўлади.

# ПЕШҚАДАМ АНИҚ, БАҲСЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионатида 26-тур учрашувлари ортада қолди. Таъкидлаш лозимки, чемпионат ўйинлари тугашига ҳали тўртта тур қолганига қарамасдан, кучли учликдан жой олган жамоалар номи деярли маълум бўлди. Мутахассислар бундан бўён кураш, асосан, турнинг жадвалининг қуйи қисмида кечилиши таъкидлашмоқда.

Футбол

Энди бевосита ушбу турда қайд этилган натижаларга тўхталамиз. Маълумки, мавсум сўнггида «Навбахор» жамоасига Сергей Ковшов бош мураббий эътибор тўғрисида Наманганлик футболчилар ушбу мураббий бошчилигидаги илк учрашувини Тошкентда «Пахтакор» жамоасига қарши ўтказиб, 0:7 ҳисобида мағлубиятга учрашди. Бир вақтлар мамлакатимизнинг етакчи жамоаларидан бири ҳисобланган «Навбахор» шу тахлитда ўйин кўрсатишда давом этса, янги мавсумни қуйи лигада ўтказса ҳам ажабланмаймиз. Бундай ҳолат эш бермаслиги учун улар ўз майдонида «Андижон» ва «Шўртан», сафарда эса «Бухоро» ҳамда «Олмалик» жамоаларига қарши ишончли ўйин намойиш этишлари талаб қилинади. Лекин сафардаги ўйинлар осон кечмаслиги аниқ. Чунки «Бухоро» ҳам кучлилар сафидаги

ганини кутилмаган ҳол сифатида баҳолаш мумкин. Чемпионат аутсайдерларидан бири — «Бухоро» ўз майдонида «Сўғдиёна»ни мағлубиятга учратса, турнинг жадвалида бир поғона юқорига кўтарилиши мумкин эди. Лекин Рауф Инилеев шогирдлари ҳарчанд ҳаракат қилишмасин, жиззахликлар дарвозасини ишғол этиш имконини топа олмадилар. Учрашувда ҳисоб очилмади. «Нефтичи» жорий мавсум совриндорлар қаторидан ўрин олишдан умидини узган кўринади. Фарғоналик футболчилар сафарда «Хоразм» билан зўрға дуранг (0:0) натижага эришдилар. Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Андижон» — «Металлург» 2:2, «Шўртан» — «Динамо» 3:2, «Олмалик» — «Қизилқум» 2:0, «Локомотив» — «Насаф» 0:0, «Машъал» — «Бунёдкор» учрашуви бошқа кунга қолдирилди. Навбатдаги турнинг марказий учрашуви 25 октябрь кунини Қаршида «Насаф» — «Пахтакор» жамоалари ўртасида бўлиб ўтади. «Бунёдкор» — «Локомотив» ўйини ҳам қизиқарли ўтиши кутилмоқда.

Table with 7 columns: Team, Goals, Assists, etc. Title: 26-турдан кейинги вазият:

Тадбир Бухоро вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганнинг йиғирма йиллигига бағишлаб «Тил — маънавият кўзгуси» деб номланган анжуман ўтказилди.

## «ТИЛ — МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ»

Тадбирда сўзга чиққанлар мазкур Қонун ўзлигимизни, қадриятларимизни, маданиятимизни тиклашда, бой маънавий меросимизни жаҳонга танитишда улкан аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Она Ватан, она тилини улуғловчи шеърлар янгради. Шу институтида касб малакасини ошираётган бир гуруҳ ўқитувчилар томонидан намойиш этилган бадий-муслиқ композиция тадбир иштирокида катта таассурот қолдирди.

З. ЖОНИБЕКОВ таъёрлади. И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# БИТИКЛАРДА ЖАМЛАНГАН ТАРИХ

Ўтмиш ҳақида аниқ маълумотлар ва далилларга таянмай туриб, ҳолис ва ишончли сўз айтиб бўлмайди. Шу боис тарихга дахлдор ҳар қандай қадимий ашё-буюмлар ва битикларни асраб-авайлаш ҳамда келгуси авлодларга етказишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жумладан, бу борада давлат архиви иши идораларининг зиммасидаги вазифалар гоятда масъуллиқдир.

Бугун барча соҳалар сингари бизнинг фаолиятимизга ҳам замонавий технологиялар кенг таътиб этилаётти, — дейди Самарқанд вилояти давлат архиви иши бошқармаси бошлиғи Абдуалим Маматов. — Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 августдаги «Ўзбекистон Республикасида архив ишини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, бошқарма миз томонидан мазкур қарор асосида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, ўтган йили вилоят давлат архивларида қозғос асосидаги ҳужжатларни таъмирлаш, муқовалаш ва қайта тиклаш ҳамда қабул қилиш ишлари аввалги йиллардагига нисбатан бир неча баробарга ўсди.

Дарҳақиқат, вилоят архиви иши бошқармаси фаолиятида ибратли жиҳатлар кўп. Бу нафақат вилоят, балки республика миқёсида ўтказилаётган турли танлов ва беллашувларда ҳам эътироф этилиб, иш тажрибалари оммалаштиришга муносиб,

дандир. 2009 йилнинг ўтган даврида бошқарма миз томонидан бу борада бир қатор ишлар амалга оширилди. Бугун вилоятнинг шаҳар ва туманларида 7 та давлат архиви филиали ҳамда 12 та ўхшашлик ҳисобида фаолият юритувчи архив ишлаб турибди. Улар орасида Нарпай туманида фаолият кўрсатаётган архив филиалининг хизмати эътирофга лойиқ.


Муассасамиз — вилоятдаги қадимий архив идораларидан бири, — дейди филиал раҳбари Шаҳригул Хайдарова. — Бу ерда сақланаётган ҳужжатларнинг энг эскилари 1938 йилга тегишли. Айни кунда жамоамизда ўн тўрт киши меҳнат қилаётти. Улар томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 1900 данадан орттиқ ҳужжат қабул қилинди. Бу кўрсаткич аввалги йиллардагига нисбатан анча юқори. Шунинг ўзиёқ филиалда бажарилаётган ишлар кўламининг йил сайин кенгайиб бораётганидан далолатдир.

Яқинда филиал биноси тўлиқ таъмирланиб, бу ерда иккита қўшимча хона қурилгани муассаса ходимлари учун ҳам, аҳоли учун ҳам қулайлик яратди. Қолаверса, мавжуд замонавий компьютер тўпламлари, нусха кўчириш аппарати ва бошқа техник воситалар иш вақтининг тежалишига, меҳнат самарадорлигининг ошишига имкон яратаяпти.

Абдурашул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## «Росагропромснаб» МЧЖ ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЗК ФИЛЬТРЛАРИ, ИЗО МУФТАЛАРИ



Маҳсулот сертификатланган. Т.ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90. Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мазоли, Ц.Дехани, 6-уй. Мўлжал — «Шухрат» дўкони жойлашган чоррақа.

Alliance Insurance Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига! «ALLIANCE INSURANCE» СУГУРТА ТАШКИЛОТИ Ҳамкорлик қилишди. 9.00 дан 18.00 гача 233-10-60 236-09-25 232-10-63 242-хона

Илғор технологияларни жорий этиш жамоат фонди, «АГРОБАНК» ва Фермер хўжаликлари уюшмаси Ўзбекистон фермерлари учун Грантлар танловини эълон қилади. Мақсадли грантларни (беғараз пуллик қўмак) олиш танловида сабзавот, мева ва узумларни (очик тупроқда ва иссиқхоналарда) етиштириш учун замонавий аграр технологияларни жорий қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш ниятида бўлган фермерлар қатнашишлари мумкин.

ПП «ЧИРЧИК ШАНХАЙ ПЛАСТ» ПРОИЗВОДИТ НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1200 мм ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ, КОМПЛЕКТУЕТ АДАПТЕРАМИ, СОЕДИНИТЕЛЯМИ, ОТВОДАМИ, ТРОЙНИКАМИ.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР 9.00 дан 18.00 гача 233-10-60 236-09-25 232-10-63 242-хона

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 903. 32373 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғос бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Тошкент шаҳри, 100060, Шахрисабз тор кўчаси, 8-уй. факс: (+998 71) 236-02-06. E-mail: fund@mpc-tashkent.uz

ТАХРИРГАТТА КЕЛГАН ҚЎЛЪМЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРМАЙДИ. РЕКЛАМА МАТЕРИАЛЛАРИ УЧУН ТАХРИРГАТ ЖАВОБГАР ЭМАС. ГАЗЕТА ТАХРИРАТ КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИДА ТЕРЛИД ХАМДА ОПЕРАТОРЛАР Ж. ТОҒАЕВ ВА М. БЕГМУРАТОВ ТОМОНИДАН САҲИФАЛАНДИ. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Митбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — И. Утбосаров. Навбатчи — Ю. Буронов. Мусахҳах — С. Исломов. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА Якуни — 21.20 Топширилди — 00.30 1 2 3 5